

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ  
ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ

*Наримбетов Халилло*

*Тошкент давлат транспорт университети иқтисодиёт  
факултети 4-курс босқичи талабаси*

**АННОТАЦИЯ:** Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспортида хизматлар кўрсатишнинг аҳамияти, назарий-хуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари, миллий қонунчиликда акс эттирилиши ҳамда айрим концептуал масалалар, хизматлар кўрсатишда аутсорсингдан фойдаланиши ва унинг истиқболлари, фуқаролик-хуқуқий муаммолар ва уларга ечим сифатида таклиф-тавсиялар хусусида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** фриланс, фрилансер, аутсорсинг, аутстаффинг.

**АННОТАЦИЯ:** В исследовательской работе рассмотрены значение оказания услуг на железнодорожном транспорте в Республике Узбекистан, его теоретико-правовые основы и особенности, его отражение в национальном законодательстве и некоторые концептуальные вопросы, использование аутсорсинга при оказании услуг и ее перспективы, дается мнение по гражданско-правовым проблемам и предложениям по их решению.

**Ключевые слова:** фриланс, фрилансер, аутсорсинг, аутстаффинг.

**ABSTRACT:** The research work examines the importance of the provision of services in railway transport in the Republic of Uzbekistan, its theoretical and legal foundations and specific aspects, its reflection in national legislation and some conceptual issues, the use of outsourcing in the provision of services and its prospects, an opinion on civil-legal problems and suggestions as a solution to them is conducted.

**Key words:** freelance, freelancer, outsourcing, outstaffing.

## Кириш қисм

Темир йўл транспортида хизматлар кўрсатишнинг ривожланиши мамлакат келажаги ва тараққиётида ўз ўрнига эга ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг ривожланиш сабаблари негизида ҳам қучли логистика тизими ташкил этилишининг асоси бўлган темир йўл тармоқлари ётади. Саноатлашиш даврида бозорларга товарларни олиб бориш, хомашё ташиш, ўзлаштирилмаган янги худудларни ўзлаштиришда темир йўл тармоғидан бошқа алтернатив логистика тармоқлари мавжуд бўлмаган. Бугунги кунда оптимал алтернатив инфраструктура тармоқлари қўпайиб, темир йўл тармоқларида хизматлар кўрсатишнинг улуши пасайган бўлса-да, ўз актуаллигини йўқотганлиги йўқ. Юртимизда ҳам ушбу соҳани такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади ҳамда давлат сиёсати даражасига кўтарилиган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан: “Хар қандай иқтисод учун темир йўлнинг ўрни жуда катта. Агар шу вақтгача Хитой ёки бошқа Осиё давлатларига олиб чиқадиган темир йўл қурганимизда эди, қўшимча бозорлар пайдо бўларди, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз таннархи 60-70 фоизга камайган бўларди” – дея фикр билдирилиб, ушбу йўналишда ислоҳотлар зарурлиги таъкидланди[1].

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида: “Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш. Шаҳарлараро ва шаҳар атрофи темир йўл қатновлари жозибадорлигини ошириш. Транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилма-сини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш. Транспорт соҳасида ташқи савдо учун «яшил коридорлар» ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага

етказиш” [2] мамлакатдаги мутасадди вазирликлар учун муҳим стратегик йўналиш сифатида белгиланди.

Темир йўл транспорти соҳасида корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, бозор муносабатларини жорий этиш аутсорсинг каби бошқарувнинг замонавий усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

### I. Методология

Тадқиқотнинг методологик асосини умумий мантикий усуллар (таҳлил ва синтез, диалектик, умумлаштириш, аналогия, мавҳумдан конкретга ва конкретдан мавҳумга ўтиш), эмпирик тадқиқот усуллари (таққослаш, гуруҳларга тақсимлаш) ва алоҳида илмий усуллар (формал-юридик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий) ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

### II. Натижалар

Темир йўл транспортида хизматлар кўрсатишда аустсорсингдан фойдаланишнинг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинади. Натижада ушбу обьект билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам берадиган таклифлар ишлаб чиқилади.

### IV. Муҳокама қисми

Юртимизда сўнги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар темир йўл транспорти соҳасида ҳам ўз ифодасини топиб, темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳамда республиканинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрда “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан қўйидагилар: темир йўлда ташиш хизматлари бозорида рақобатни шакллантириш ва жозибадор инвестиция муҳитини

яратиш орқали ташиш жараёнларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш; темир йўл соҳасини трансформация қилиш ва рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, хизматлар кўрсатиш жараёнининг узлуксизлиги, сифатлилиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаш; темир йўл корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, йўловчи ва юк ташишда таннарх ва харажатларни камайтириш, операцион самарадорликни таъминлаш борасида ҳисобдорлик ва рағбатлантирувчи муҳитни яратиш; тадбиркорлик субъектлари учун темир йўл орқали юк ташиш хизматини кўрсатувчи вагон операторларини эркин танлаш ҳуқуқини таъминлаш; темир йўл хизматларини қўрсатишда иқтисодий ва молиявий салоҳияти юқори бўлган йўналиш ва соҳаларга мустақил ривожланиш, шу жумладан маҳаллий ва халқаро молия бозорларига чиқиш ҳамда давлат кўмагисиз кредит ресурсларини жалб қилиш учун имконият яратиш; темир йўл соҳасидаги давлат улуши мавжуд компанияларда корпоратив бошқарув тизимини тубдан яхшилаш, соҳага малакали хорижий менежерлар ва мутахассисларни жалб қилиш темир йўл транспорти соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 358-моддасида оммавий шартнома тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиласидан ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиши, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади. Бундай ташкилот оммавий шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга хақли эмас, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шунингдек, ушбу моддада товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси, шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланиши, қонунчиликда истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустаснолиги белгиланган.

Фуқаролик Кодексининг 359-моддасига кўра, шартномада унинг айрим шартлари тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган намунавий шартлар билан белгиланиши назарда тутилиши мумкин. Шартномада намунавий шартларга ҳавола қилинмаган ҳолларда бундай намунавий шартлар тарафларнинг муносабатларига иш муомаласи одатлари сифатида қўлланилади. Намунавий шартлар намунавий шартнома ёки ушбу шартларни ўз ичига олувчи бошқа хужжат шаклида ифодаланиши мумкин.

Темир йўл транспорти хизматлари кўрсатиш шартномаси ҳукукий табиатига кўра оммавий шартнома бўлиб, уни тузища тарафлар эркиндиrlар. Лекин, шартноманинг шартлари намунавий эканлиги боис тарафлар унинг шартларини танлашда эркин эмаслар. Истеъмолчида танлаш имконияти мавжуд эмас. У намунавий шаклдаги шартномани қабул қилиб хизматлардан фойдаланиш ёки қабул қилмаса хизматлардан фойдаланмаслиги мумкин. Бошқа вариант мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш” қоидаларининг барча фойдаланувчиларга хизматлар кўрсатишда бир хил хизмат кўрсатиш ва тўловлар шартлари тақдим қилиниши, хизматлардан фойдаланувчи айрим тоифаларга кўрсатилган хизматлар учун қонун хужжатларига биноан тўловнинг бошқа шартлари берилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур қоидаларга кўра, абонемент чиптаси вақтнинг белгиланган даври мобайнида шаҳарлараро қатновчи поездда йўловчини қўп марта

ҳаракатланиши учун чипта эканлиги, йўловчига шахсан тегишли бўлган, унга поездда юриши тугагач зарур бўлган ва ташиш учун багаж вагонида чипта бўйича қабул қилинувчи буюмлар багаж ҳисобланиши, умумий фойдаланиладиган темир йўл транспортида йўловчи ташиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ташиш хужжати чипта эканлиги ўрнатилган.

Йўловчи билан ташувучи ўртасида ташиш шартномаси тузилганлиги темир йўлда ҳаракатланиш хужжати (чипта) билан, йўловчи багаж топширганлиги багаж квитанцияси билан тасдиқланади. Юк багаж ташиш шартномаси тузилганлиги ва уни ташувчига топширилганлиги юк багаж квитанцияси билан тасдиқланади.

Сўнги йилларда ўз уйидан узоқда олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар сонининг ошиши ва таътиллар бошланиши арафасида доимий яшаш манзиллариға қайтишда енгил автомобиллар билан боғлик муаммоларнинг чуқурлашиши натижасида, ушбу муаммонинг ечими сифатида қоидаларнинг 16-бандига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, йўловчи оқими ҳажми ва хусусиятига кўра вокзалларда болали йўловчилар, ҳарбий хизматчилар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, йўлланма бўйича кетаётган йўловчилар (ёз мавсумида), таътил берилган даврида темир йўлчилар ва талабалар учун ихтисослаштирилган чипта кассалари ажратилиши белгиланди.

Чипта кассаларида чипта сотиб олиш бўйича устунлик ҳуқуқи 10 ёшгacha (бу ёшга тўлган) болали йўловчиларга, шунингдек йўлланмалар чипта кассасига тақдим қилинган ҳолда йўлланмалар бўйича санатория-курорт даволанишига бораётган 10 ёшдан катта касал болаларни кузатиб бораётган йўловчиларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлариға, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати ходимлариға, Ўзбекистон Республикаси Транспорт

вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси, прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги хизматчиларига, хизмат кўрсатиш худудлари доирасида ёки хизмат сафари гувоҳномаларида кўрсатилган станцияларгача хизмат ишлари юзасидан кечиктириб бўлмайдиган йўлга чиқишиларда тиббиёт ходимларига, ветеринария ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларига, тасдиқланган телеграф чақируви билан кетаётган шахсларга, авария ёки ёнғинни бартараф этиш учун сафарбар қилинган “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, “Ўздавнефтгазинспекция”, газ назорати, газ, кимё, нефть, нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё саноати, геология хизматчиларига тақдим қилинади.

Мазкур шахслар учун (10 ёшгача ва бу ёшга тўлган болали йўловчилардан, шунингдек йўлланмалар бўйича санатория-курорт даволанишига бораётган 10 ёшдан катта касал болаларни кузатиб бораётган йўловчилардан ташқари) бўш жойлар мавжуд бўлмагандан, уларнинг розилиги билан умумий вагонларга мавжуд жойлардан ортиқ чипталар берилади.

Навбатсиз чипта сотиб олиш хуқуқига Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уч даражадаги Шон-шуҳрат, “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Соғлом авлод учун” орденлари ва “Шуҳрат” медали билан тақдирланган шахслар, уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва уруш қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобиль АЭСда авария оқибатларини бартараф этиш ишларида қатнашган шахслар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари, “Фахрий темирйўлчи” нишони билан тақдирланган шахслар эга эканлиги белгиланган.

## V. Хунос

Юқорида келтирилган вагонларни қатновга қайта тайёрлаш хизматларини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг иш ҳажмини

камайтириш, бошқарув тизими ва жараённи назорат қилиш каби юкламалардан озод қилиш мақсадида аутсорсинг асосида бажариш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, темир йўл транспортида йўловчиларга кўрсатиладиган бир қатор хизматлар, жумладан, йўловчиларни озиқ-овқат, ичимликлар билан таъминлаш, чипта сотиш ва бошқа бир қатор вазифаларни бажаришни аутсорсинг асосида амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан ўз самарадорлигини кўрсатган бўлар эди.

## VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Президент денгиз портларига чиқиш имкониятини берадиган темир йўл қурилиши ҳақида гаприди. [Электрон манбаа]:  
<https://yuz.uz/news/prezident-dengiz-portlariga-chiqish-imkoniyatini-beradigan-temir-yol-qurilishi-haqida-gapirdi>;
2. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. [Электрон манбаа]:  
[https://president.uz/uz/pages/view/strategy?menu\\_id=144](https://president.uz/uz/pages/view/strategy?menu_id=144);
3. “Темир йўл транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш”, Бутунов Дилмурод Баҳодирович, Эргашев Баҳромжон Олимжон ўғли, Баҳритдинов Умиджон Урманович,  
<https://cyberleninka.ru/article/n/temir-y-l-transportida-y-lovchilarga-hizmat-krasatish-zharayonlarini-takomillashtirish>;
4. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддаси, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/acts/13081>